

JSS

Journal of Social Studies



ASLIGA TO'G'RI

U. Saif

**VOLUME 4
ISSUE 1**

2021

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 1



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Сабилова Умида Фархадовна
кандидат социологических наук
(Candidate of sociology PhD)

Ижтимоий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal of Social Studies
Международный редакционный совет журнала Социальные исследования

22.00.01–Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент

Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор,
Московский государственный университет
им. М.В. Ломоносова (РФ)
Рожанский Михаил Яковлевич
директор центра независимых социологических
исследований (РФ)

22.00.02–Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи.
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни.
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилевич
доктор социологических наук, профессор
Холбеков Абдуғани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор
Шайхисламов Рафазель Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор,
Башкирский государственный университет
Сабиров Алишер Сабирович
кандидат социологических наук, доцент

Antonio Alonso Marcos
Ph.D, on International Relations (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор
Пермский государственный национальный
исследовательский университет (РФ)
Виктор Агаджаньян
профессор социологии университета
Аризона США

22.00.03–Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Ганиева Маърифат Хабибовна
доктор социологических наук, профессор
Аликариев Нуриддин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор
Stephan E. Nikolov
PhD, Senior Research Fellow,
Institute of Sociology, Sofia
Пармонов Фарход Ярашевич
кандидат социологических наук, доцент

Ли Ци
доктор исторических наук, профессор
Шэньсинского Педагогического Университета
(КНР).
Сухомлинова Марина Валерьевна
доктор социологических наук, профессор
Мичуринского государственного аграрного
университета. (ФГБОУ ВО "МГАУ")
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор,
Казахстанско-немецкий университет

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Каланов Комил “МУҚАДДАСЛИК” КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....	4
2. Убайдуллаева Раиса СОЦИОЛОГИЯ В XXI ВЕКЕ: ПРОБЛЕМЫ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ.....	17
3. Сейтов Азамат, Сабирова Умида СОЦИАЛИЗАЦИЯ СЕМЕЙ В СОВРЕМЕННЫЙ ПЕРИОД РАЗВИТИЯ МАХАЛЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА.....	27
4. Аликариева Аълохон СОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ВЫСШЕЙ КВАЛИФИКАЦИИ.....	35
5. Каримов Бобир МЕҲР – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ.....	47
6. Мадаминов Баходир ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ОММАВИЙ СПОРТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....	55
7. Имомова Нозимахон ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНЛАРИ.....	63
8. Мирзахмедов Хуршид ЁШЛАР ҲАЁТИДА НИЗОЛАРНИНГ СОЦИАЛ ОҚИБАТЛАРИ.....	73
9. Узакова Зарина ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТРАНСФОРМАЦИИ ТЕРМИНА ИНВАЛИДНОСТЬ И МОЛОДЕЖНОГО ВОЗРАСТА.....	81
10. Эрийгитова Лобар А.ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ ТАЛҚИНИ (“ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИ МИСОЛИДА).....	89
11. Мўминов Зокиржон ТАЪЛИМНИНГ ИЖТИМОЙ АСОСИ ҲАМДА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ТУЗИЛМАСИ.....	99
12. Амиров Азамат ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАҲЛАРДА “ТАРИХ ФАЛСАФАСИ”ГА БЎЛГАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР.....	108

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович,
таянч докторант,
Наманган давлат университети
ORCID ID: 0000-0001-6026-2262

ЁШЛАР ҲАЁТИДА НИЗОЛАРНИНГ СОЦИАЛ ОҚИБАТЛАРИ

For citation: Khurshid A. Mirzakhmedov, SOCIAL CONSEQUENCES OF CONFLICTS IN THE LIFE OF YOUNG PEOPLE. Journal of Social Studies. 2021, vol. 4, issue 1, pp.73-80

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-8>

АННОТАЦИЯ

Муаллиф мақолада замонавий тараққиёт инсоннинг хоҳиш-истакларининг сифат жиҳатидан ўзгариши натижасида келиб чиққан зиддиятлар тизимини конфликтология асосида ёритган. Чунки, глобаллашувинсоният ҳаётидаги кийим-кечак, қалб ва онг, ҳиссиётнинг тижоратлашиши ва кўп қаватли биноларнинг “осмонўпарлиги”, ахлоқий эркинлик, тўй-ҳашамларда миллий анъаналарга амал қилмаслик, “янги ўзбеклар”нинг пойгаси, эскиларининг моддий ночорлиги, ишлаб чиқариш, ҳаётнинг онлайнлашуви, айниқса, миллий телеканалларнинг қиморлашуви, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари рейтингининг ортиши ёшлар феъл-атворида низони ҳосил этувчи муҳит яратади. Ижтимоий муносабатларда ёшлар феъл-атворининг агрессив жиҳатлари: жиззакилик, қахр-ғазаб, нафрат, исёнкорлик, депрессия, ҳасадгўйлик, қаноатсизлик, бефарқлик, лоқайдлик, безовталиқ, кўполлик каби можароли ҳолат келтириб чиқарувчи омилларнинг ижтимоийлашуви мавзуни долзарблигини кўрсатади. Ёшларнинг оилавий тарбиясида толерант, қаноат, сабр, тоқат, чидам, бағрикенглик, юмшоқлик, ишонч, саҳий, ирода, мурувват, айбдорлик, кечиримлилик, уятлилик, тавба каби хулқ, рашқ, хушёқиш, миннатдорлик каби фазилатларга одатлантириш, ёшлар конфликтологияси нуқтаи назаридан ахлоқсизлик ва қотиллик каби ҳолатларни олдини олишда муҳимдир. Азал-азалдан ўзбек халқи ўзаро низоларни сабр-бардош ва босиқлик билан ечимини топган. Шу ўринда, ўзбек халқи толерантлик қадриятини шакллантиришнинг тарихий илдизлари яшаб турган маскани билан боғлиқ бўлиб, унинг табиат неъматларидаги мўл-кўлчилик ҳам инсон феъл-атворида мужассамланган.

Калит сўзлар: ёшларнинг ижтимоийлашуви, низо, глобаллашув, толерантлик, рухий ҳолат, жиззакилик, пичоқлашув, ота-она.

Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович,
базовый докторант,
Наманганский государственный университет
ORCID ID: 0000-0001-6026-2262

СОЦИАЛЬНЫЕ ПОСЛЕДСТВИЯ КОНФЛИКТОВ В ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ

АННОТАЦИЯ

В статье освещена система противоречий в контексте конфликтологии, возникшие качественные перемены потребности человека современном этапе развития. В условиях глобализации происходит коммерциализации духовности, чувств и сознания, отклонение от национальных традиций национальных свадебных мероприятий, свобода нравов, гонка “новых узбеков”, материальные трудности простого народа, онлайнизация производства и жизни, особенно монетизация и разгуль азартных игр в национальных телеканалах, рост рейтинга алкоголя и табака создает благоприятную почву для конфликтности в этике молодежи. Особенности агрессивной нравственности молодежи социальных отношениях: эмоциональность, гнев, раздражение, ненависть, бунтовство, депрессия, зависть, нетерпимость, лояльность, равнодушие, хамство и другие показали актуальность темы социализации факторов конфликтности. В семейном воспитании молодежи является важным фактором предотвращения убийство и безнравственности с точки зрения конфликтологии следующие норм поведения: толерантность, терпение, стойкости, доброжелательность, мягкость, надежда, доброта, простительность, покаяние. Узбекским народом практиковалась историческая форма решения конфликтов путем терпения и сдержанности. Исторические корни формирования ценности толерантности узбекского народа связаны с природными условиями, то есть богатство природных благ отражались в этическом поведении людей.

Ключевые слова: социализация молодежи, противоречия, глобализация, толерантность, психологическая ситуация, агрессивность, ножевые ранения, родители.

Khurshid A. Mirzakhmedov,

basic doctoral student,

Namangan state University

ORCID ID: 0000-0001-6026-2262

SOCIAL CONSEQUENCES OF CONFLICTS IN THE LIFE OF YOUNG PEOPLE**ANNOTATION**

The article highlights the system of contradictions in the context of conflictology, the qualitative changes that have occurred at the present stage of human development. In the context of globalization is the commercialization of spirituality, emotions and consciousness, deviation from national traditions, national wedding events, freedom of manners, the race of “new Uzbeks”, the material difficulties of ordinary people, the onlaynizatsiey production and life, especially monetization, and razgul gambling in national TV channels, the increase in rating of alcohol and tobacco creates fertile ground for conflicts in the ethics of young people. Features of aggressive morality in social relations: emotionality, anger, irritation, hatred, rebellion, depression, envy, intolerance, loyalty, indifference, rudeness and others showed the relevance of the topic of socialization of conflict factors. In the family education of young people, the following norms of behavior are an important factor in preventing murder and immorality from the point of view of conflictology: tolerance, patience, perseverance, benevolence, gentleness, hope, kindness, forgiveness, peace. The Uzbek people practiced a historical form of conflict resolution through patience and restraint. The historical roots of the formation of the value of tolerance of the Uzbek people are associated with natural conditions, that is, the wealth of natural goods was reflected in the ethical behavior of people.

Keywords. Socialization of youth, contradictions, globalization, tolerance, psychological situation, aggressiveness, knife wounds, parents.

Ҳозирғизамон ижтимоий муносабатларида ёшларнинг иштироки ўзига хос хусусият ва жиҳатларга эга бўлиши билан ижтимоий фанларда янгича ёндашувларни талаб этади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиши, дунё халқлари билан алоқаларнинг янада мустаҳкамланиши, ахборот технологияларининг қўлланилиши туфайли ёшларнинг

ижтимоийлашуви мураккаблашиб, уни изга солиш, миллий-маънавий меъёр ва қадриятлар билан шакллантириш муаммоси мақолани мақсад-мазмунини ифодалайди.

Дунё ҳамжамиятининг икки кутбга бўлиниши, ижтимоий-иктисодий мусобақа, айниқса, зиддиятларнинг кескинлашуви, зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатишга мойиллик, уруш хавфининг кучайиши, ғоявий курашда ёшларга мўлжалланган ғоявий таҳдидларнинг ортиши, ёшларнинг “оммавий маданият”га берилиши кабилар ёшларнинг ижтимоийлашуви муаммосини ижтимоий фанларда долзарб вазифа сифатида кун тартибига кўймоқда. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсатида маънавий ва маърифат муаммоларини ўрганиш, айниқса, ёшларнинг 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган вақтда илм-фан, маърифат, таълим ва тарбияси давлатнинг янги уйғониш даври осон юксалишини муҳим омил эканлиги эътироф этилмоқда [1].

Инсон тараққиёти ижтимоий фанлардаги ўта мураккаб муаммо бўлиб, у шахснинг хоҳиш-истаклари, қизиқиши, ижтимоий ҳатти-ҳаракати, мақсад ва манфаати, уни амалга оширишга интилиши келиб чиқадиган манфаатлар тўқнашуви, низоларни ҳал қилиш усулларидаги ўзгаришлардаги оддийлик ва мураккаблик, манфаатли келишув ёки низоларни кескинлашуви, меъёрлардан чиқиш ҳолатлари конфликтология нуқтаи назаридан ўрганиладиган масала ҳисобланади. Ҳаётнинг шиддаткор ўзгариши билан ёшлар ҳаётида жадаллашув руҳияти оддий низоларнинг ижтимоийлашувига, келишув остида ҳал этилиши мумкин бўлган оилавий зиддиятларнинг оммавийлашуви ҳолатлари конфликтологияда “ностандарт” (аномал-муал.) ҳолат ҳисобланади.

Глобаллашув инсон турмуши бозор муносабатлари талабларида нафақат моддий неъматлар, балки маънавий омилафаккур, ҳиссиётини ҳам маҳсулотлашмоқда. Боз устига урбанизация жараёни кўп қаватли биноларнинг “осмонўпарлиги”, “янги ўзбеклар” нинг тўй-хашам, миллий анъаналарда ахлоқий эркинлик, яъни ижтимоий ўзбошимчалик (оғиш) пойгаси, айни вақтда қолганларнинг моддий ночорлиги кузатилмоқда. Бу ҳол ҳаётнинг онлайнлашуви билан миллий телеканалларнинг хусусийлашуви ва қиморлашуви, тамаки ва алкоголь маҳсулотларга “эҳтиёж” нинг ортиши ёшлар феъл-атворида салбий таъсири конфликтнинг ижтимоий вазиятини яратади [2, pp.63-68]. Шу боис, тарихнинг энг муҳим жиҳати ёшлар тарбиясида миллий ворисийлик, ёшлар таълим ва тарбиясининг мунтазам хусусияти миллий давлат сиёсатининг мақсад-муддаосини белгилаб беради. Зеро, миллат ҳар доим ўзининг тақдирини ёшларнинг феъл-атворида кўради.

Низо – ҳуқуқ субъектларининг манфаат ва муносабатлар соҳасида қарама-қарши, бир-бирига тўғри келмаслик ҳолати – кучлар тўқнашуви, икки ёки ундан кўп тарафлар орасида ўзаро келишувнинг йўқлиги, манфаатлар тўқнашувини ифодаловчи зиддиятдир [3].

Бизнинг социологик тажриба натижаларимиз, ёшларнинг ижтимоий муносабатларида зиддиятларнинг манбаини қуйидагича шартли гуруҳлаштиришга имкон беради:

- шахснинг ижтимоий муаммоли вазиятдоруҳий ҳолатдан чиқишга уриниши;
- ижтимоий муносабатларда вазиятнинг соғлом таҳлилига ноқобиллик;
- масалани ечимдаги ўзаро манфаатли томонларни аниқлашга имкон қидирмаслик;
- масаланинг ечимда эмоционаллик ва куч ишлатишга мойиллик, яъни жижизакчилик;
- мақсад ва манфаатларнинг хилма-хиллиги;
- видео-компьютер ўйинлар орқали эмоцияга берилиши;
- ёшларнинг ишқий можаролари;
- қизлар орасида йигитлар учун “жанг” ҳолатлари;
- қизлар ўртасида мода (урф) пойгаси;
- катта ва ёш авлод ўртасидаги зиддиятнинг вужудга келиши;
- ўғил болалар орасида гиёҳвандлик ва алкогольизм натижасида;
- хиёнат;
- пул ва бойлик каби конфликт келтириб чиқарувчи омилларнинг ижтимоийлашуви

кўтарилган мавзуни долзарблигини кўрсатади.

Ёшлар конфликтологиясининг низолар бўйича ҳудудий социологияси республика географик манзарасини ҳосил этмоқда. Биз уларни ижтимоий қуйидагича жинойий оғирлиги бўйича тоифаларга бўлдик:

- 2018 йил 31 май Қўқон шаҳарида 19-мактаб ўқувчиси жанжаллашиш вақтида унга пичоқ уриб тан жароҳати етказган [4];

- 2018 йил 22 декабр Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туман мактаби юқори синф ўқувчилари аёл кишини курак қисмга пичоқ урган [5];

- 2019 йил Наманган вилояти Норин тумани 19 мактаб 11 синф ўқувчилари хонадонда Наврўз байрами сумалак тадбирида йигитлар орасида қиз талашиш натижасида бир-бирини пичоқлашиши;

- 2019 йил 10 май куни Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида жанжал пичоқлашиш билан яқунланди [6];

- 2019 йил Бекобод шаҳридаги 2 мактаб ва 9 мактабнинг 10-синф ўқувчилари ўртасидаги жанжал пичоқлашув билан яқунланди [7];

- 2019 йил 9 феврал Тошкент шаҳридаги 215 мактабнинг 11-синф ўқувчилари ўртасидаги ўзаро келишмовчилик сабабли пичоқлашув бўлган [8];

- 2019 йил 19 март Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Қурилиш касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасидаги ўзаро жанжал туфайли пичоқлашув бўлган [9];

- 2019 йил Наманган вилояти Уйчи тумани 11 мактабда фаолият олиб бораётган Физика фан дарс вақтида ҳомиладор ўқитувчи аёлга қарата ўқувчи тўп тепиши;

- 2019 йил 3 июль Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида 17 ёшли қиз ўзини таъқиб қилиб, ҳақоратлаган эркакни пичоқлаб қўйди [10].

- 2019 йил 21 январь Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида яшовчи Т.Т. уйида рашқ туфайли бирга яшовчи рафикаси Г.М. ни, сўнг ўзини ҳам пичоқ уриб жароҳатлади [11].

- 2020 йил 11 июлда Наманган шаҳри 1991 йилда туғилган аёл қўшниси 1966 йилда туғилган аёл билан ўзаро келишмовчилик сабабли ош пичоқ ёрдамида қўшнисининг чап қўлига тан жароҳати етказган [12].

- 2020 йил 23 июнда Наманган шаҳри Сардоба бозори аторифида А.И. собиқ турмуш ўртоғи С.О. билан яна бирга яшашни таклиф қилади ва рад жавобини олгач, жаҳлда С.О.ни пичоқлаб ўлдиради [13].

- 2020 йил 17 апрелда Наманган вилояти Норин туманида 21 ёшли қиз ўз амакисига ўзаро маиший келишмовчилик сабабли пичоқ билан оғир тан жароҳати етказди [14].

- 2020 йил 17 апрелда Наманган вилояти Янгикўрғон тумани 21-сон мактаб 11-синфни 4 нафар ўқувчисига 20 ёшли ўспирин йигит пичоқ билан тан жароҳати етказди [15].

- 2020 йил 19 сентябрда Наманган шаҳри 1990 йилда туғилган фуқаро таниши билан ўзаро келишмовчилик сабабли пичоқ билан жароҳатлади [16].

- 2020 йил 9 декабр куни Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида Абдимурод исмли фуқаро хотинининг онаси уйида яшаб юрган вақтида, ҳомиладорлигидан ҳабар топиб, жанжали оқибатида қайнонаси, ҳомиладор хотини ва икки нафар фарзандини пичоқлаган [17].

- 2020 йил 4 сентябрь куни Андижон вилояти Асака тумани фуқаро М.У. турмуш ўртоғи М.Н. (аёл) билан оилавий келишмовчиликлар сабабли ўзаро жанжаллашиб, М.Н. ни пичоқ уриб ўлдирди [18].

- 2021 йил январ ойида Инстаграм каналида ўз онасини туғилган кунида ўғил томонидан торт билан юзига уриши [19].

Биз ёшлар орасида пичоқ билан содир этилган жинойятларни гуруҳлаштиришда сарбсизликнинг жиззакиликка қараб ўчиб бориш динамикасига солишга уриндик. Шу боисдан, ўта ваҳшиёна усулдаги жинойят билан пичоқлашувнинг “юмшоқлашуви” каби ҳолатни алоҳида тоифалаштирдикки, икковини ҳам бир мазмунда деган фикрга бордик.

Ёшлар феъл-атворида толерант: сабр, қаноат, тоқат, чидам, бағрикенг, юмшоқ, ишонч, саҳий, ирода, мурувват, қувонч, интизом, кечиримлик, уятлилик, тавбаю тазарру, мурсою мадора, ўзгани тан олиш, унга ҳурмат каби ижобий руҳий-ҳислатлардан жиззакилик, қаҳр,

ғазаб, нафрат, исёнкорлик, ҳасад, қаноатсизлик, умидсизлик, безовталиқ, қўполлик, келишмовчилик, мурасасизлик, манманлик ва адоватга берилиш, такаббурлик каби салбий ижтимоий-руҳий ҳолатларга трансформацияси табиийлашаётгани хусусида маълумотлар базаси ҳосил бўлмоқда.

1-Диаграмма



Бизнинг социологик таҳлилларимиз ёшлар орасида салбий руҳий ҳолатлар охириги 40 йилликни солиштирма қиёси ҳаёт суратларида ижтимоий тараққиёт таъсирида содир бўлган руҳий ҳолат эканлигини юқоридаги диаграммада ифодладик. Шу билан бирга, тадқиқотда ёшлар психологик-руҳий кайфияти ижтимоий мўлжаллари давлат таълим ва тарбиясини шакллантиришга бўлган эҳтиёж ва йўналишини ҳам кўрсатиб бермоқда.

Мамлакат ёшларининг ахлоқида ўзгаришлар динамикасида низолилик руҳиятига ўтиши, жамият ҳаётида ҳар қандай масалани “зўрлик психологияси” билан ҳал қилиш янги ҳаёт модели шаклланмоқда.

Социологик таҳлилларнинг мантиқий ҳолатини аниқлаш учун охириги 70 йилда ёшлар орасида оилавий низо ва можароларни қиёсий солиштирмасини ўтказишни тақозо этади:

- 1950 йилларда оилавий ҳаётда ота-она обрў-эътибори муқаддаслашиб, ёшидан катъий назар фарзандлар уларнинг измида турган, ҳатто фарзанд ота-она ўтирган уй томига чиқолмай, уйда изнсиз яшай олмаган;

- 1980 йилларда эса оилада ота-оналар обрўси сақлансада, онанинг уйдаги обрўси ортиб, фарзанднинг фикри ҳисобга олинган;

- 2010 йилларда авторитар оила тугатилиб, оилада отанинг мақоми барҳам топиб, онанинг мақоми ўрнатилди. Оилада фарзандларнинг ота-онага бўлган муносабати жиддий “ижтимоий совиди”;

- 2020 йилдан “оилавий инқироз” бошланиб, ота-она ва фарзандларнинг низо ва можаролари меъёрга айланди;

- “Ёшлар оилавий маърифати” оилавий низоларда ёшларни жиноят субъектига айланишидан сақлаб қолишда муҳим ижтимоий дастур бўлиши даркор.

Биз, ёшлар социологияси бўйича “оилавий конфликтология” феъл-атворини келиб чиқишини олдини олиш, ёшлар ҳаётига салбий ахлоқий таъсирни камайтиришнинг шартли жиҳатларини аниқлаш ва қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

- ёш оилалардаги маиший келишмовчилик;
- оилада иқтисодий муаммоларни кўплиги;
- видео ва компьютер ўйинлар орқали;
- ёш фарзанднинг оиладаги иқтисодий субъектга айланиши;
- оилада катта авлод таъсирининг жиддий қисқариши;
- ногўлиқ оилалар миқдорининг ортиб бориши;
- оилавий тарбияда ота мақомининг жиддий пасайиши, она ролининг ортиши;
- ёшлар эмоционаллашувида салбий таъсир этувчи санъат, медиамаданият тарбиясига зарурият;

- ёшларнинг назоратсизлиги туфайли носоғлом турмуш тарзига ўтиш;
- ёшлар ахлоқида меҳнат, ҳарбий ватанпарварликдан енгил табиатлилик, боқимандаликни ижтимоий меъёрга айланиши;
- хорижий ва миллий санъатда ёшлар (айни вақтда ота-оналар) турмушига эротика, порнографик сурат, видеоёзувлар, санъат асарларини кириб бориши, уларни назоратини издан чиқиши кабилар ҳисобланади.

Ўзбек адабиёти ва санъатида ёшларда мустақил фикрлашни шакллантиришнинг ғайримаърифати туфайли ёшларда миллий одат ва анъаналардан оғиш ҳолати кузатилмоқда. Оилада ота-онага бўлган ҳурматсизлик, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тан олмаслик, “Ўзбошимчалик” туфайли оила ва никоҳ муносабатларига кириш ҳам миллий генофондга салбий таъсир этади. Юқоридаги оилавий муаммоларнинг таҳлил ва талқинлари ёшларда “конфликт” табиатига ўтиши, уларнинг ижтимоий руҳиятида босиқликдан бўҳронга томон ўсиш ҳолатини тахмин этиш мумкин.

Биз илмий қараш ва фаразларимизни ижтимоий зиддият қонунияти сифатида, республикамизда оилавий ажримларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 2019 йилда 31389 ажрим ҳолати аниқлаган [20]. Шу боис, оила ва никоҳ муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни қуйидаги шаклда тартиблаштирдик:

1. эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилиги;
2. оилада қайнона ва қайнота, учинчи шахс арашалуви;
3. ишсизлик;
3. бефарзандлик;
4. ҳиёнат;
5. ичкиликбозлик ва бошқа зарарли одатлар оқибатида;
6. моддий таъминот масаласи;
7. ўзи ва фарзандлари касаллиги туфайли;
8. томонларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, оилавий турмушга ахлоқий номуносиблик кабилардир.

Биз юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бир қатор муаммога дахлдор жиҳатларни хулосалашга уриниб кўрамиз:

Ёшлар соғлом оилавий маърифати, оила қуришда катталарнинг анъанавий етакчилиги, ёшларнинг катталарга бўлган ҳурмат ва эҳтироми (миллий толерантлик), оила қуришда томонларнинг оилавий ижтимоий мослиги каби ижобий ахлоқий қадриятларни қайта тиклаш оила ва никоҳ муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи оилавий ҳаётда тарихан низо-можароларни сабр-тоқат ва босиқлик, моддий етишмоқчиликни бардош, шукроналик ила ечимини топган. Шу билан бирга, толерантлик қадриятини шаклланишида ўлкамизнинг табиат неъматларининг мўл-кўллиги ҳам ота-боболаримиз феъл-атворида ҳам ўтган. Икки серсув дарё ва булоқлар атрофида яшаб истиқомат қилган аҳоли саҳоватпешалик, хотамтойликка мойиллашган. Бунда, бағрикенглик бойларда, меҳнатсеварлик деҳқонда, адолатпарварлик ҳокимга ўтиб, уламоларнинг илм-маърифатда зукко қилган. Зеро, жаннатмакон юртнинг табиатидаги дарё ва кўллардаги оқаётган сувнинг кўплиги ва тугамаслиги, боғу-роғлардаги ҳосилдорлик ҳам инсонда илоҳий толерантлик қадриятини шакллантиради.

Биз илмий қарашларимизни Жалолиддин Румийни ҳикматларидаги “Сабр қилсанг, ёмон дўст яхши бўлади. Сабр инсоннинг кўнглини кенгайтиради. Тунда ойнинг сабр қилиши уни ойдинлатади. Атиргулнинг тиканга сабр этиши, уни муаттар бўйли қилади” каби фикрлари билан хулосалаймиз [21, – Б. 112].

Сноски / Иқтибослар / References

1. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778)
2. Mirzamedov Kh. A. Gender sociology: The role of women in society // International Journal Social Studies, 2020. Vol. 3. Issue 3. – pp.63-68.
3. Конфликт//<https://ru.wikipedia.org/wiki/Конфликт>(кўрилган муддати:09.01.2021)
4. «Ботқоққа ботаётган» Кўкон халқ таълими. Мактаб ўқувчилари орасида ҳомиладорлик ва пичоқбозлик ҳолатлари аниқлангани ростми? URL: <https://kun.uz/18416003> (кўрилган муддати:16.01.2021)
5. Тошкент вилоятида мактаб ўқувчиси жиноят содир этди // <https://archive.qalampir.uz/news/toshkent-viloyatida-maktab-oquvchisi-jinoyat-sodir-etdi-26340> (кўрилган муддати: 09.01.2021)
6. Кўконда мактаб ўқувчиларининг жанжали пичоқбозлик билан якунланди//<https://kun.uz/news/2019/05/14/qoqonda-maktab-oquvchilarining-janjali-pichoqbozlik-bilan-yakunlandi> (кўрилган муддати: 09.01.2021)
7. Мактаб ўқувчиларининг жанжали пичоқбозлик билан якунланди // <https://hordiq.uz/2019/08/06/maktab-uquvchilarining-janjali-pichoqbozlik-bilan-yakunlandi/> (кўрилган муддати: 09.01.2021)
8. Тошкентда мактаб ўқувчилари ўртасида пичоқбозлик бўлди // <https://aniq.uz/yangiliklar/toshkentda-maktab-uquvchilari-urtasida-pichoqbozlik-buldi> (кўрилган муддати: 09.01.2021)
9. Тошкентда коллеж ўқувчилари ўртасида пичоқбозлик қайд этилди //<https://qalampir.uz/news/toshkentda-kollezh-uk-uvchilari-urtasida-pichok-bozlik-k-ayd-etildi-1272> (кўрилган муддати: 09.01.2021)
10. Сурхондарёда 17 ёшли қиз ўзини таъқиб қилиб, ҳақоратлаган эракни пичоқлаб кўйди. У ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. URL: <https://kun.uz/91252231> (кўрилган муддати:16.01.2021)
11. Хўжайлида эр рашк туфайли аввал хотинини, кейин ўзини пичоқлади. URL: <http://darakchi.uz/uz/64699> (кўрилган муддати: 09.01.2021)
12. Аёл қўшни аёлни пичоқ билан жароҳатлади. URL: <https://telegra.ph/Ayol-qyshni-ayolni-pichoq-bilan-zharoxatladi-07-24> (кўрилган муддати:16.01.2021)
13. Наманганнинг «Сардоба» бозоридаги мудҳиш воқеа URL: <https://telegra.ph/Namanganning-Sardoba-bozoridagi-mudxish-voqea-06-23> (кўрилган муддати:16.01.2021)
14. Норин туманида 21 ёшли қиз ўз амакисига пичоқ билан оғир тан жароҳати етказди. URL: <https://t.me/namanganiib/1985> (кўрилган муддати:16.01.2021)
15. 20 ёшли ўспирин 4 нафар мактаб ўқувчисига пичоқ билан тан жароҳати етказди. <https://t.me/namanganiib/1440> (кўрилган муддати:16.01.2021)
16. Фуқаро танишини пичоқ билан жароҳатлади. URL: <https://t.me/namanganiib/1274> (кўрилган муддати:16.01.2021)
17. 17.Март ойида кетган хотинининг ҳомиладор бўлгани алам қилган, ўлдирилган икки бола эса аёлнинг жиянлари экан. Яккабоғдаги ваҳшийлик қотилнинг оила аъзолари билан муҳокама қилинди. URL: <http://darakchi.uz/uz/109350> (кўрилган муддати: 16.01.2021)

18. Андижонда эр хотини билан жанжаллашиб, уни пичоқлаб қўйди. Аёл воқеа жойида вафот этди. URL: <https://daryo.uz/k/2020/09/09/andijonda-er-xotini-bilan-janjallashib-uni-pichoqlab-qoydi-ayol-voqea-joyida-vafot-etdi/> (кўрилган муддати: 16.01.2021)
19. <https://www.instagram.com/p/CJvftQbJUI8/?igshid=r7wg8p74tg3f> (кўрилган муддати: 09.01.2021)
20. Demografiya// <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2> (кўрилган муддати: 9.01.2021)
21. Жалолiddин Румий. Қалб кўзингни оч. Мавлоно Румийдан ҳикматли сўзлар.Таржимон ва нашрга тайёрловчи Сабоҳат Бозорова. – Т.: “Саностандарт” нашриёти, 2011. – Б. 112.

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 1

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000